

## Бешкент қишлоқ хўжалик техникуми

### Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизатциялаш муҳандислари институтининг Бешкент қишлоқ хўжалик техникуми тарихи

Қашқадарё вилояти Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи 1977 йил 131-қишлоқ ўрта хунар техника билим юрти қишлоқ хўжалиги йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш мақсадида очилган. 1996 йил Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ ҳудудига тадбиркорликни олиб кириш тўғрисидаги 296-қарорига асосан 16 ўрта хунар техника билим юрти Бешкент касб-хунар лицейига айлантирилди. 2002 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 338-сонли қарори ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2002 йил 30 ноябрдаги 327 сонли буйруғи, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасининг 2002 йил 5-декабрдаги буйруғига асосан Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи мақоми берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Қашқадарё вилояти Қарши тумани Бешкент қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизатциялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Бешкент қишлоқ хўжалиги техникуми бўлиб ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизатциялаш муҳандислари институтининг Бешкент қишлоқ хўжалик техникумининг қуввати 720 ўринга мўлжалланган бўлиб, 3 қаватли асосий бино 1-чи ва 2-чи ўқув биносидан иборат, амалиёт ўташ учун ўқув амалиёти устахонаси, автосарой ва маъмурий бошқарув бўлимлари, 200 ўринга мўлжалланган талабалар турар жойи мавжуд. Жами ер майдони 9,4 гани ташкил этади.